

Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2006 йил 31 мартдаги ҳукмига асосан, Ю. ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 17 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. турмуш ўртоғи Р. билан жиноий тил бириктириб, «DAEWOO» русумли телевизор эвазига Т. орқали Х.га оғирлиги 0,02 граммдан бўлган 10 бўлак-жами 0,2 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотган вақтда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланган. Т.нинг эғнидаги жемфери чўнтагидан 5 бўлакка қадоқланган, жами миқдори 0,14 грамм ҳамда у томонидан жиноят изларини яшириш мақсадида ташлаб юборилган 30 бўлакка қадоқланган жами миқдори 0,6 грамм бўлган «героин» гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, Ю, Т. ва Р.лар томонидан қонунга хилоф равишда сотилган ҳамда Т.дан ашёвий далил тариқасида олинган, жами 0,94 грамм модда «героин» гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Биринчи инстанция судининг шу кундаги ажрими билан Ю. ва Р.нинг 5 нафар вояга етмаган фарзандлари Ю.нинг отаси Т.нинг қарамоғига топширилган.

ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши,

яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши—у ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Суд Ю.нинг муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаган бўлса-да, бироқ унинг аёллигини, 5 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, ушбу иш бўйича турмуш ўртоғи озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланаётганлигини, бунинг натижасида уларнинг фарзандлари боқувчисиз қолишлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини эътиборга олиб, унга ЖКнинг 72-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилмаган.

Апелляция инстанцияси ҳам ишни кўришда ушбу ҳолатларни эътибордан четда қолдирган.

Ю. жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан ижобий тавсифлангани, унга нисбатан тайинланган жазонинг ўталмаган қисми 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия актига асосан учдан бирига қисқартирилгани, у жазони ўташ даврида тартибни бузмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтгани сабабли унга тайинланган умумий тартибли колония тури суднинг 2007 йил 6 июлдаги ажримига асосан манзил колониясига алмаштирилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 16 августдаги ажрими билан Ю. га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, у ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 72-моддасини тадбиқ этган ҳолда шартлига алмаштирилди ва 2 йил муддатга синов муддати белгиланди.

Ю.га нисбатан 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти 7-моддасининг «а» банди тадбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилди.

ЖСҲ-235-07 сонли ажрим